2003 YIL 25 FEVRAL, SESHANBA

# Qishloq HAYOTI

*O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi*

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№25 (6.550). Sotuvda erkin narhda

## БУГУНГИ СОНДА



**ТОҒДАН ОШГАН ДЎМБИРАМ...**

(1-4-саҳифаларда)

**МАТЛУБОТЧИЛАР ФАОЛИЯТИДАГИ ҚИНҒИРЛИКЛАР**

(1-2-саҳифаларда)



**БИР ПИЁЛА ЧОЙИМИЗ БОР**

(1-2-саҳифаларда)

### КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● **Тошкент шаҳар фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида Президент Ислом Каримов маърузасида таъкидланган устувор вазифаларнинг ижросига оид масалалар муҳокама қилинди.**

● **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Жиззах вилоятларида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида сўзлаган нутқида илгари сурилган вазифаларга бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг кенгайтирилган мажлиси бўлди.**

● **Адлия вазирлигида «Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислоҳотлари: бугун ва келажак» мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди.**

● **Пойтахтимиздаги МҲСК спорт мажмуида каратэ бўйича Ўзбекистон III чемпионати бўлиб ўтди.**

● **Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси нозирлари томонидан ўтган йили мингдан зиёд корхона ва ташкилот назоратдан ўтказилди.**

● **Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан Бўстонлиқ туманидаги «Чимён» дам олиш масканида спорт байрами ўтказилди.**

● **Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида бастакор ва рассом Георгий Мушел (1936-1989) ижодий фаолиятига бағишланган кўргазма очилди.**

● **Тошкентда профессионал бухгалтерлар сертификатларини (САР) топшириш маросими бўлиб ўтди.**

● **Тошкент Давлат техника университетида Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати, Ўзтелерадиокомпания, «Ўзбектелефильм» студияси ҳамкорлигида суратга олинган «Ёруғлик» ҳужжатли фильмининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.**





**Сирдарё вилояти Боёвут туман сув тарқатиш иншооти Жанубий Мирзачўл каналининг ўнг ирмоғидан оқиб ўтувчи сувларни тақсимлайди. Ушбу сув иншоотидан секундига 27 метр куб сув оқиб ўтиб, 24 минг гектар ерни об-ҳаёт билан таъминлайди.**

**Маълумки, миробчилик азалдан энг эъзозли касб саналиб келган. Мироблар элнинг энг ҳурматли кишилари бўлиб, улар ўз ишларини доимо адолат билан юритганлар. Шунингдек, бу иш билан эркак кишилар шуғулланган. Лекин Боёвут туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига қарашли туман сув иншооти тарқатиш бўлими бошлиғи Баҳриниса Эшонова республикамиздаги ягона мироб аёл бўлса ажабмас.**

**Туман деҳқонлари доимо сувни адолат билан тенг тақсимлашга ҳаракат қилгани учун унинг номини ҳурмат билан тилга оладилар.**

**СУРАТЛАРДА: 1. мироблар Баҳриниса Эшонова ва Аҳмадали Шарипов; 2. ариқларда сув мўл.**

***

Б.АКРАМОВ олган суратлар.

## "ҲОКИМ ЕТОВИДАГИ КАСАБАҚЎМ"

***"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2003 йил 4 феврал сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Наманган тумани қўмитаси фаолиятининг айрим жабҳалари таҳлил қилиниб, йўл қўйилаётган камчиликлар кўрсатилганди.***

Ушбу мақолага Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти қўмитасидан жавоб олинди. Унда жумладан, қуйидагилар қайд этилган:

**"ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ"ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР**

Мақола Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинди. Йиғилишда республика Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси Ш.Эсонбоев, Наманган вилояти касаба уюшмалари кенгаши раиси К.Раимжонов, барча туманлар касаба уюшма қўмиталари раислари ҳамда Наманган туманидаги касабақўм раислари иштирок этдилар. Муҳокамада Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Наманган тумани қўмитаси билан туман ҳокимлиги ўртасида тузилган келишув бандлари ижроси бўйича тўлиқ маълумотлар тўпланмаганлиги, касаба уюшма ҳисобидан спорт тадбирларига кам маблағ сарфланганлиги, "Обод маҳалла йили" юзасидан тўлиқ тадбир тузилмаганлиги, туман қўмитасида йиллик иш режани ишлаб чиқишда ва унинг бажарилишини таъминлашда камчиликларга йўл қўйилганлиги мақолада тўғри танқид остига олинганлиги таъкидланди. Шунингдек, фаолиятдаги яна бир қатор камчиликлар юзасидан билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалар ўринли эканлиги эътироф этилди. Ана шундай камчиликларга йўл қўйилганлиги учун АСМ ходимлари касаба уюшмаси Наманган тумани қўмитаси раиси З.Баҳриддиновга хайфсан эълон қилинди.

Мақолада келтирилган далилларни ўрганишда шу нарса маълум бўлдики, уларнинг айримлари тўлақонли ёритилмаган. Масалан, мақолани ўрганиш бўйича тузилган комиссия аъзолари унда таърифланганидек, касаба уюшмаси туман қўмитаси хонаси уринган стуллар, алмисоқдан қолган шкафдан иборат, нимқоронғи эмас, балки таъмирдан чиқарилган хонада ишга яроқли иккита стол, еттита стул ва битта шкаф борлигининг гувоҳи бўлишди. Мақолада 20,5 минг касаба уюшма аъзосидан 20 нафари туман касаба уюшма қўмитаси томонидан сиҳатгоҳга юборилганлиги, бу жуда оз эканлиги кўрсатилган. Хўжаликлар шартнома асосида 109 та йўлланма олиб, касаба уюшма қўмитаси аъзоларини сиҳатгоҳларга юборганликлари мақолада ёритилмаган. Белгиланган тартиб-қоидаларга мувофиқ йўлланмалар бошланғич касаба уюшма қўмиталари томонидан берилади. Мақолада касаба уюшмаси туман қўмитасига қанча киши йўлланма сўраб ариза берган, деб бирмунча юзаки талқин этилган.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти қўмитасининг ушбу кенгайтирилган йиғилишида мақолада тилга олинган масалалар юзасидан тадбирлар тузиб, барча туман қўмиталари ва бошланғич ташкилотлар фаолияти билан яқиндан танишиб, йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш чораларини белгилаб олишга қарор қилинди.

## БУҒДОЙЗОРДАГИ... ТУЛПОРЛАР

***Республика Вазирлар Маҳкамаси 2001 йилнинг 7 ноябрида "Кузги-қишки экинларнинг пайҳон қилинишига қарши курашни кучайтириш тўғрисида" қарор қабул қилган эди. Орадан бир йилдан кўпроқ вақт ўтиб, аниқроғи, 2002 йилнинг 9 декабрида "Экинларнинг пайҳон қилинишига қарши курашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" яна қарор қабул қилинди.***

Хизмат тақозоси билан вилоят марказига тез-тез бориб туришимизга тўғри келади. Ҳар ғал қўшни туман ҳудудидан ўтаётганда, шундоқ катта йўл ёқасидаги буғдойзорда бир жуфт отга кўзимиз тушади. Ўзи ҳам яғрини ялтираб, ёли бўйнига тушган, қирмизи рангдаги чиройли отлар. Бемалол буғдойзорни топтаб, эндигина бўй ростлаётган ям-яшил майсаларни таг-туги билан ғажиб юргани... рости, кишига эриш туюлади. Ҳайвон ўз оти билан ҳайвон. Ундан "ўпка, гина" қилиб бўлмайди. Аммо, бугун ўтиб эртага донга, ризқ-рўзимиз, азиз неъматимиз нонга айланадиган буғдойзорга отларни қўйиб юбораётган кимса ким экан? Хўш, отнинг эгасику, виждони, имон-эътиқоди дарз кетган кишидир, балки, бу ернинг эгаси – пудратчиси-чи, у қаерда? Кунига бу ердан камида ўн бор ўтадиган хўжалик, туман раҳбарларининг кўзлари қаёқда? Наҳот улар ҳукуматимизнинг юқоридаги қарорларидан бехабар бўлсалар? Наҳот, лоқайдлик, бепарволик шу даражада илдиз отиб кетган бўлса?

Наманган вилоят ИИБ ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги М.Оппоқов билан учрашиб қолганимизда юрагимизни куйдириб турган юқоридаги саволларни у кишига бердик.

-Бошқармамиз ходимлари, барча туманлар ички ишлар бўлими профилактика инспекторлари Вазирлар Маҳкамасининг пайҳонгарчиликка қарши курашни кучайтиришга доир қарори асосида изчил иш олиб бормоқдалар, - дейди Мусахон ака, - кўрган амалий чора-тадбирларимиз туфайли пайҳонгарчилик ўтган йилга нисбатан бирмунча камайди. Аммо... юз бор тушунтиришимизга, огоҳлантиришимизга қарамасдан ҳали-ҳануз кўпгина туманлар, ширкат хўжаликларида буғдойзорларга чорва ҳайвонларини қўйиб юбориш давом этяпти.

Мана, қўлимда ҳозиргина олинган тезкор маълумот. Чуст туманидаги Олмос қишлоғи, Мунчоқтепа маҳалласида яшовчи Қўлдошали Шомиддинов ўзининг икки бош қорамолини "Олмос" ширкат хўжалигининг 4-бош пудратига қўйиб юборган. Назоратсизлик оқибатида икки бош қорамол 0,01 гектар ердаги буғдойзорни пайҳон қилган. Қ.Шомиддинов хўжаликка қанча зарар етказгани аниқланиб, унга нисбатан тўпланган ҳужжатлар чора кўришлик учун туман судига юборилди.

**ТААССУФ**

Чуст туманида бундай ачинарли ҳолат битта ёки иккита бўлса кошки эди. Текшириш куни тумандаги Карнон қишлоғи Ғова кўчасида яшовчи А.Иброҳимов 1 бош қорамолни шу ҳудуддаги Навоий ширкат хўжалиги ғаллазорига қўйиб юборганлиги аниқланди. Ёки шоёнлик Д.Алиқулов, олмослик А.Шаҳданов, А.Абдураҳмонов, В.Талаповлар ҳам ўз чорва ҳайвонларини далага қўйиб юбориб, экинзорларни пайҳон қилдирганлари учун тегишли жазога тортилдилар.

Ёки бўлмаса Наманган тумани Ўзбекистон қишлоқ фуқаролари йиғинида яшовчи Нодир Жўраев ўзига қарашли 2 бош, Мингбулоқ тумани Гулбоғ қишлоғилик Шерзод Худойберганов 1 бош, Учқўрғон туманидаги Янгиер қишлоғида яшовчи Қобил Жакбаров ўзига тегишли 7 бош, шу тумандаги Бахт қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Қодир Холматов 1 бош қўйни буғдойзорга қўйиб юборишгани, қанчадан-қанча экин майдонларини топтатиб, ғалла майдонларига путур етказилгани қайси инсонийлик мезонларига тўғри келади?

Юқоридаги ҳолатлар номлари айтиб ўтилган фуқароларнинг бепарволиги, умум мулкига бўлган лоқайд муносабати туфайли рўй берган, албатта. Аммо кўра-била туриб ризқ-рўзимизни поймол қилаётган кимсалар ҳам учраётгани ғоят ачинарлидир. Масалан, Косонсой тумани Тергачи қишлоғи, Хонқўрғон маҳалласида яшовчи Иззатилла Дўсматов, Тўпанисса Худоёрова, худди шу туманидаги Ёшлик қишлоқ фуқаролар йиғини Боғишамол маҳалласида яшовчи Мухритдин Умаровларнинг ҳар бири ғўза қатор орасига экилган ғалла майдонидан ғўзапоя юлиб, экинни топтаб, хўжаликларга моддий зарар етказишганини қандоқ тушуниш мумкин?

-Биз ички ишлар ходимлари минг елиб-югурмайлик, одамларнинг ўзлари юқоридаги ҳукумат қарорлари моҳиятини тушуниб етмас эканлар, бундай кўнгилсизликлар давом этаверади, - дейди суҳбатимиз пировардида Мусахон ака, - аввало хўжаликларнинг раҳбар-мутахассислари, айниқса, ер эгалари – пудратчилар хушёр бўлишлари, ўз тасарруфларидаги экин майдонларини топталишига, буғдойзорларни пайҳон қилинишига йўл қўймасликлари керак. Ҳар бир даланинг, ҳар гектар ғаллазорнинг ўз эгаси, ўз назоратчиси бўлиши керак. Қолаверса, пайҳонгарчиликка қарши курашда кенг жамоатчилик, қишлоқ мутасаддилари, зиёлилари, маҳалла посбонлари, ёшлар якдил, баҳамжиҳат бўлмас экан, кўзланган натижага эришиш қийин.

Шаҳардан қайтишда яна ўша пайкалда, ям-яшил буғдойзорда бамайлихотир ўтлаб юрган ўша бир жуфт отга кўзимиз тушди...

**Ортиқали НОМОЗОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

**СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?**

## ҒУРБАТДАН ФАРОҒАТ ИЗЛАМАНГ

***Яқинда қишлоққа боришимда бир киши: "хўжалигимиздан 26 киши молларини сотиб, Россияга кетишди.***

Уларнинг кўпчилиги оилалик – икки-учтадан фарзанднинг отаси. Болалари қийналиб қолишди. Ота-оналари эса туни билан ухламайди, болам ўзга юртларда нима бўлдийкин, деган хавотирда... " деб қолди.

Тўғри, хорижга бориб бойиб келаётганлар ҳам йўқ эмас. Қўша-қўша машина олиб, иморат солаётганлар қанча. Биз иш излаб Россияга ёхуд бошқа давлатларга кетаётганларни айбламоқчи эмасмиз. Гап масаланинг маънавий томонида. Хорижга бориб пул ишлаб келиш, миллат, юрт шаънини ерга уриш, топташ, инсонлик қадрқимматини ерга уриш эвазига бўлмаслиги керак.

-Биз 10 киши Россияга қараб йўл олдик, - дейди пайариқлик 25 ёшли Ботир Равшанов. – Очиғи, биз ўйлаганчалик у ёқда пул топиш осон эмас экан. Иш тополмай кўп қийналдик. Рязань шаҳридаги тиббиёт университетининг ётоқхонасини ремонт қилиб беришни ўз гарданимизга олдик. Тўғриси, у ёқдаги Ўзбекистондан борганларга паст назар билан қараш, мазах қилишлар, таҳқирлашлар иззат-нафсимизга тегди. Яримта бўлсаям ўз нонимиздан қўймасин экан.

"Мен ўзбек йигити" деб кўкракка уришлар қани? Ачинарлиси, бойлик, пул деб хотин-қизларимиз ҳам уят-андишани унутиб қўйишаяпти, ўзини "тижоратчи" деганларнинг аксарияти аёллар. Пул деса ҳеч нарсадан қайтишмайди. Тарихимизга назар солайлик. Қачон ўзбек аёллари бола-чақаси, оиласини ташлаб юртма-юрт савдогарлик қилган, ўзбек аёллари очарчилик, уруш йилларида ҳам шаънини ерга урмаган. Ор-номуси, ғururини топтамаган, бола тарбияси, уй-рўзғор юмуши билан шуғулланган. Эр топиб келганини куйдириб-пишириб, оилани саранжом-саришта қилиб ўтиришган. Хотини кўча-кўйда, бозор-ўчарда юришини эр ор билган.

Ватанни суймаган, миллати шаънини ўйламаган, инсонийлик ғururини топтаган киши ҳеч қачон бахтли бўлолмайди. Бахт эса шахсий бойлик, нопок йўллар билан топилган пуллар билан ўлчанмайди. Чинакам фаровон ҳаётга эришмоқ учун юртни обод қилиш, уни асраб-авайлаш лозим, тупроғини кўзга тўтиё этиб, халқ манфаатини ҳар қандай бойликдан устун қўйиб яшамоқ керак.

**Хусниддин ХОЛДОРОВ,**
**Самарқанд вилояти.**

## МАҲАЛЛА ЧОЙХОНАСИ

***Бухоро шаҳрига кираверишда Самарқанд дарвозасидан тушиб, Лабиҳовузга қараб тик юрсангиз, ўнг қўлдаги мўъжазгина чойхона эшигига кирди-чиқдининг кўплиги диққатингизни тортади. Муҳташам Лабиҳовуз чойхонасидан 200-300 метр чамаси бериқроқдаги хокисорлик ва орасталик сизни чойхонага бир ўтишга ундайди.***

Асосан, эски шаҳар аҳолиси қатнайди бу жойга. "Кўкалдош", Навоий номидаги маҳаллалар кексаларининг ҳар куни дийдорлашадиган, кўнгил очиб дардлашадиган, ҳасратлашадиган манзили бўлган бу масжид чойхона узоқ тарихга эга.

**МАВЗУ**

- Бу деворларга раҳматли ота-боболаримизнинг табаррук овози сингиб қолган, - дейди уруш қатнашчиси Ибод бобо. -Оҳ, у чойхоналарнинг файзи бўлакча эди. Тўрқа фасларда какликлар, сайроқи беданалар, бири қўйиб, бири оларди. Аччиқ кўк чойнинг таъми дилнинг ороми эди-да. Шукр, чойхона ўша-ўша, ўтганларнинг чироғини ёқиб турибмиз. Уч маҳалла ўртасида энг беминнат эшиги очиқ жой – шу чойхонада қувончимизни баҳам кўрамиз, ҳасратимизни қолдириб кетамиз. Маҳалла фаоллари доим биздан кўз-қулоқ. Қариликнинг гаштини суринглар, дейди омон бўлгурлар.

Чойхонанинг доимий мижозларидан бири Саид тоға қўли чаққон, гапга чечан одам. Нуроний отахонларнинг ёшроғи ҳам шу инсон. Бозор-ўчарга иссиқ нонлар, ширинликлар олиб келишга, 2 кило гуруч келтириб сабзи-пиёзни маромига мослаб, 8-10 кишилик паловхонтўра тайёрлашга ҳам қўли келишади. Савдосини пишириб олишга ҳам уста одам. У киши билан 5-10 сўмга тортишиб ўтирмайди ҳеч ким. Арзон харид нафақадаги одамлар учун ўнғай-да. Ҳеч бўлмаса, шу куни чой пули тежаб қолинади.

(Давоми 2-бетда)

**ЭЙ, УМРИ АЗИЗ**

## "БИР ДАРЁ БОР: ОҚАР, ТОШАР, ҚУРИМАС"

***Сурхондарёда бахши кўп. Бири-биридан аъло, бири-биридан доно. Айтганлари чўғчўғ, дўмбиралари эса шўх-шўх. "Алпомиш"-дан айтса, йиғлайсиз, "Малла савдогар"дан айтса, бўзлайсиз. "Келиной"ни айтса, куласиз... сел бўласиз...***

Рўзибой бахши Турсунов Жаҳонгир бахши ўғли... Заргарнинг ўғли заргар бўладими? Кам, жуда кам. Бахшининг ўғли бахши бўладими? Ў-ў, жуда кўп. Катта олимнинг гапи рост. Юракнинг остида, онанинг бағрида, ҳали туғилмаган бола ҳеч бўлмаса бир кунда бир марта дўмбиранинг овозини эшитади... Бахши туғилмасидан... терма-ю, достон-у, куй-ю, дўмбира оҳанги "ичи"да яшайди.

(Давоми 4-бетда)

## БУХОРОДА МИНИ-БАНКЛАР КЎПАЙМОҚДА

***Ўша куни Қоракўл туманида жойлашган "Очилбобо" фермер хўжалигининг раҳбари вилоят марказидан мамнун бўлиб қайтди. "Ишни бошлайверинг, ёрдам керак бўлиб қолса келинг, кўмак берамиз", дейишди "Пахта Банк"нинг Бухоро вилоят бошқармасидагилар. Уйига келганида қоронғу тушиб, осмонда юлдузлар чароқлай бошлаганди.***

Фермер хушхабарни айтиб уйидагиларни роса суюнтирди. "Насиб этса, энди ишларимиз юришиб кетади".

Ҳа, чиндан ҳам "Очилбобо" фермер хўжалигига "ТТЗ-80" русумли трактор сотиб олиш учун банкдан 9400 минг сўм кредит ажратилди. Техникага ёлчимай юрган деҳқоннинг мушкули осонлашди. Натижада фермер хўжалиги ихтиёридаги техникани ўз ерида ишлатиш билан биргаликда тумандаги бошқа фермер хўжаликларига ҳам шартнома асосида хизмат кўрсатиб келаяпти.

**ХИЗМАТ**

-Ҳаммаси шу кредит сабабли бўлди-да, - дейди тадбиркор мамнуният билан. – Агар "Пахта Банк"дагилар ёрдам қилмаганларида қўшнилардан, ошна-оғайнилардан қарз кўтарай, деб юрган бўлармидим?!

-Табриклаймиз, ишингизга ривож! - дедик биз ҳам чин дилдан.

-Сабр-тоқатли, меҳнатдан, қийинчиликдан қочмайдиган одамгина фермер бўлади, - дейди тадбиркор кўп йиллик тажрибасига таяниб.

Мулкдор билан хайрлашиб қайтаётганимизда, у киши "Қарз узилади, трактор эса ёнга қолади", деди.

Қоровулбозор туманида фаолият кўрсатиб келаётган "Азизбек" фермер хўжалиги номини кўпчилик яхши билади.

(Давоми 3-бетда)

**ҚАРОР ВА ИЖРО**

## МАҚСАД - КРЕДИТ САЛМОҒИНИ КЎПАЙТИРИШ

***Мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳаларида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликнинг ўрни, моҳияти тобора ошиб бормоқда.***

Айниқса, қишлоқ хўжалигида деҳқон ва фермер хўжаликлари бу жараёнга ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бу борада деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш мақсадида уларга молиявий ёрдам кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга.

Жамғармамиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 18 мартдаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг ўша йил 25 октябрдаги қарорига асосан ташкил этилган.

(Давоми 3-бетда)

## САВДОДА ТАРТИБ БЎЛАДИМИ?

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талаблари ижроси кўнгилдагидек эмас.***

Савдо тармоқларида мажбурий бўлиши керак бўлган 8 турдаги озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан аҳолини таъминлашда ҳамон узилишлар бўлаётир. Демак, қарор талабларидан келиб чиқувчи вазифалар етарли даражада бажарилмаётир. Оқибатда аҳолига кундалик турмуш учун муҳим истеъмол товарлари етказиб беришда узилишларга йўл қўйилаётир.

Товар ресурсларини қидириб топиш, истеъмол бозорини тўлдириш ва уларнинг республика аҳолисига узлуксиз сотилишига доир юклатилган вазифалар лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида 2002 йилда ажратилган шакар, ўсимлик ёғи ва хўжалик совуни манбалари вилоятлар матлубот савдо акциядорлик компаниялари томонидан бир меъёрда ўзлаштирилмаган. Республика бўйича ўтган йили 178 минг 486 тонна ун маҳсулоти фонди олинмаган. Қашқадарё вилоятида 32 минг 871 тонна, Самарқанд вилоятида 29 минг 851 тонна, Фарғона вилоятида 24 минг 741 тонна ун фонди ўзлаштирилмади.

**ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР**

Шакар маҳсулоти бўйича эса Қашқадарёда 6 минг 980 тонна, Фарғонада 6 минг 501 тонна, Самарқандда 5 минг 633 тонна ажратилган фонд ўзлаштирилмай қолинди. Айниқса, Қашқадарё вилоятида республикамиз вилоятларига солиштирилганда энг мушкул аҳвол юзага келган. Фондда белгиланган 1 минг 246 тонна ўсимлик ёғи олинмаган. Сифатли ва давлат томонидан белгиланган нархдаги ўсимлик ёғига эҳтиёж йўқ, деб ўйлайсизми?

(Давоми 2-бетда)

**КЕЛГУСИ СОНДА:**

ИЛОН ЮТГАН АЁЛ

ҒУЛОМ ҚОРАНИНГ ШУБҲАСИ

ПЛЁНКА ҚАЙТА ИШЛАНСА...

# БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

## ЭККАНИНГНИ ЎРАСАН

***-Бировнинг эшигига бош уриб келиш осонмас, ўғлим. Имконим бўлганида ҳеч қачон сенга ялинмасдим, - Машҳура хола қалтироқ қўллари билан рўмолининг учини тугиб-ечар, ажин босган юзини Каримдан яширарди.***

Машҳура холадан Каримга кўп зуғум ўтган. Карим 3 ёшлигида онасиз қолгач, холанинг ўгай ўғлига айланганди. Айтишларича, Каримни ҳар куни ўгай онанинг туҳмати билан отаси калтакларкан. Ақлини таниганда туҳмату уриш, сўкишлардан безор бўлиб уйидан бош олиб чиқиб кетган Каримнинг ёш боши билан тортмаган азоби қолмади. Аммо курашди: ўқиди, меҳнатдан бош кўтармади. Эвазига кам бўлмади.

Мана, бугун нуфузли идорада раҳбар. Ҳаётига ҳамма ҳавас билан қарайди. Бироқ қаттиққўллиги, кези келса, шафқатсизлиги ҳам бор. Ким билсин, меҳр кўрмаган ўзгаларга ҳам меҳр беролмаса керак-да.

Карим букчайиб беҳаловат ўтирган Машҳура холага ҳиссиз тикилиб турди.

-Гап шу... Сиз жўнайверинг уйингизга. Имкони бўлса, илож топилса, ёрдам қиларман.

Машҳура хола тушунди, ёруғлик кутма, тошингни тер, демоқчи. Аммо сабабини айтганди-ку. Наҳот шунчалик...

Ортиқча ялиниб-ёлворишга ғурури йўл қўймай, Машҳура хола букчайганча хонадан чиқаркан, эшик тутқичини ушлаб ортига ўгирилди. Карим сигарет тутатганча креслода ястаниб ўтирарди. Сўнг шошилганча чиқиб кетди. Машҳура хола касалхонада оғир ётган чолига оширарди. Каримнинг олдига ҳам шу сабаб келган, "Отанг оғир ётибди, беш-ўн сўм пул керак эди", дея кўмак сўраганди.

**Фарида ИБРОҲИМОВА**

## ПУШАЙМОН

***Бу воқеага кўп йиллар бўлган. Кўз дўхтири С. исмли аёлни ҳақоратлай кетди. Аччиқ сўзларни эшитаётган шўрлик эса шу топда ўлимига ҳам рози эди. Нега десангиз...***

Уч яшар қизалоғи М. шўхлик қилаверди, "ҳай-ҳўй"га парво ҳам қилмади . Сабзи тўғраб ўтирган онанинг тоқати тоқ бўлди, жаҳолат ғолиб келди-ю, қўлидаги пичоқни жон ҳолатда унга қарата улоқтириб юборди. Фалокатда, дарғазаб С. "нишон"га шундай урдики... пичоқ қизчанинг чап кўзига санчилди.

Ўз онаси ногирон қилган бечора қиз аллақачон улғайган, яқинда фарзандли бўлди. Умр бўйи пушаймонда ўтган она набирасини бағрига босиб йиғлади:

-Мени кечиргин, қизим, лекин ҳеч қачон болаларингга жаҳл қилма!

## ТАҚДИРНИНГ ТАКРОРИ

***Маликайи даврон Нодирабегим ва Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия. Гўё бу исмлар қўшалоқ яратилган: икки давр, икки аёл, икки она, икки шоира, икки тақдир...***

"Қўшалоқ" деганимиз бежиз эмас. Ишонмасангиз ушбу саналарни таққослаб кўраверинг:

Нодирабегим 1793 йилда (баҳслироқ сана) туғилган, Зулфия эса 1915 йилда – фарқ 122 йил.

Амир Умархон 1787 йилда таваллуд топган бўлса, Ҳамид Олимжон 1909 йилда – орадаги тафовут яна 122 йил.

Амирий 1822 йилда вафот этган, Ҳ.Олимжон 1944 йили – фарқ тағин 122 йил.

Нодира ҳам, Зулфия ҳам турмуш ўртоқларидан 6 ёш кичик бўлиб, 29 ёшида бева қолишган.

Тарихда ҳам гап кўп-да...

**Рустамжон УММАТОВ**

## ОТАНГГА ҚИЛСАНГ...

***Жамол болалигидан эрка бўлиб улғайди. Шу боисданми одамлар билан қўрс муомала қилар эди. Бора-бора ичишни-чекишни ўзига одат қилиб олди.***

"Бунақа ёмон одатларингни ташла, болам", дея зорланарди она. Жамолнинг эса парвойи палак. Қаттиқроқ тергаган отасига қўл кўтаришгача бориб етди. Орада ота-она унинг доғида оламдан ўтди.

Йиллар ортда қолди. Энди унинг ўзи ҳам ота. Лекин ҳали ҳам ёшлигида орттирган иллатларидан халос бўлгани йўқ. Ичмаса туролмайдиган ҳолатга келиб қолган. Кунда-кунора қишлоқдошлари унинг маст бўлиб, алжираб, ўтган-қайтганни ҳақоратлаб юрганига гувоҳ бўлишади. Отасининг кўча-кўйда ётиб қолишларидан номус қилган ўғли уни уриб-сўкиб уйига олиб кетади. Энди унинг аввалги ёшлиги, кучи йўқ. Ўғлига қарши ҳеч нарса қила олмайди. Чунки...

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ**

## БОЛАНИ БОШИДАН...

***Қодир ака Худойназаров узоқ йиллар жамоа хўжаликларига раҳбарлик қилган тажрибали ва ташкилотчи, обрўли раҳбар, ориятли инсон эди.***

...Аммо унинг катта ўғли Салим онасининг "меҳрибонлиги", отасининг "қўли узунлиги"дан бироз талтайиб катта бўлди. Тартибсизлиги учун институтдан ҳайдалди. Раис қатъиятли ва бир сўзли одам бўлганлигидан сўнгги болаларини шундай маҳкам ушладики, тийинини ҳам ҳисоблаб берадиган, отган одимларини ўлчайдиган бўлди.

Ўртанча ўғли Шавкат бу "зуғумлар" азобини кўпроқ тортди. Еттинчи синфни битказган кундан бошлаб жамоа аъзоси сифатида далада меҳнат қилди.

-Отам таниқли раис бўла туриб, институтда ўқиб юрган пайтларимда, ошхонага ишга кирганман. Овқатим шу ерда ўтар, хўжайин эса ҳафтасига 5-10 сўм бериб турарди. Хуллас, ҳамма нарсанинг қадрини билиб ўсдим, - деб сўз бошлади Шавкат. – Уйланганимга бир ой бўлмай рўзғоримни бўлак қилишди. Келин-куёв бир бўлиб келгуси йили кичикроқ бўлса-да иморат тикладик. Мухбирлик қилиш билан бирга мактабда ҳам ёшларга дарс бердим. Деҳқончилик қилдим. Болаларни ҳам ёшлигидан меҳнат қилишга ўргатдик. Ҳозирда фермерман.

Шавкатнинг яқиндагина олган алвон ранг "Матиз"ида борар эканмиз, эришган муваффақиятлари ўша тарбияларнинг самараси эканлигидан фахр туяётганлиги сезилиб турарди.

-Афсуски, - деди у бироздан сўнг бош чайқаб, - Салим акам яқинда учинчи бор судланди...

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

# МАҲАЛЛА ЧОЙХОНАСИ

(Боши 1-бетда)

Шунинг учун барча чойхўрларнинг бозор харидини Саид тоға қилиб келади. Мабодо хариддан ортиб қолган бўлса, тийин-тийинигача эгасига қайтаради. Саид тоға йўлда эринмайдиганлардан. Аксинча, яйраб-қувнаб бозорга бориб келади.

Яқинда Самарқанд дарвоза маҳалла чойхонасига маҳалла мутасаддилари йиғилдилар. Келиб кетувчи чойхўрларнинг барчаси олдиндан огоҳлантирилганлиги учун кўпчилик ташриф буюрди. Мақсад чойхонага масъул киши қўйиш эди. Одам танлаб қўйиш отахонларнинг ўзларига ҳавола этилди.

Кимдир қўлли-оёқли, чаққонгина бўлсин, деб таклиф киритди. Саид тоға қарияларнинг кўнглидагини айтди.

- Қўл – оёғи чаққон киши бир жойда қўним топиб ўтирмайди. Бир кун очиқ, бир кун қулфлоғлик чойхона эса сабрни чатнатади, холос. Шунинг учун ўз орамиздан одам танлаб қўямиз.

Бу гап кўпга маъқул бўлди. Бекмурод бобо Эшмуродов чойхонага масъул бўлди.

Ёши етмишни қоралаган бўлсада ҳали бардам, кўнгли очиқ ширин сўз, саранжом- саришталикни хуш кўрадиган Бекмурод бобо элдан чиқиб кетолмади. Уйида ёлғиз ўзи бўлганлиги учун даврадошлари илтимосига йўқ, дея олмади.

Бекмурод бобо қуш уйқу одам.

– Шундоқ ҳам умрнинг ярми уйқу билан ўтган, -дейди у киши донишмандкамо фикр юргизиб. - Тонгги соат бешга етмасданоқ уйқу қочади. Худонинг яна бир эсономон тонгида кўз очганимга шукроналар айтиб таҳоратга шошиламан. Эҳ, бундай дориламон замон бўлмаган. Сут, қатиқ, қаймоқ оласизми, деб эшигингизга келиб турсалар, шукр айтмай бўладими?!

Юрган эканмиз-да, бир қошиқ сут учун бир она бола говмишни кетига парвона бўлиб. Томорқанинг 10-12 сотихида беда, макка сингари чорва озуқалари экилгани-чи?! Ҳозир халқ анча тушуниб қолди. Ҳар бир рўзғорда энг камида 1,5-2 тоннадан буғдой бор.

Бекмурод бобо йўл-йўлакай 3-4 дона иссиқ нон олиб чойхонага ошиқади. Соат олтидан ўтганида самоварнинг қумғони сас бера бошлайди. Маҳалла оқсоқоллари саҳархез бўлади. Бирин-кетин кириб келаверадилар. Чойхонада ярим соатлар чамаси тонгги хабарлар "қайнайди". Турсун ота қўлини фотиҳага очиб, тинчлик, осойишталик, фаровонлик элга, юртга, омонлик тилайди. Отанинг атрофидаги картга ўтирганлар чойнакдаги чойнинг таъмини чиқаришга киришиб кетишади.

Гурунг қайнамайдиган чойхонанинг ўзи йўқ. Самарқанд дарвозаси маҳалла чойхонасида ҳам бу мавзунинг соати кўпроқ. Оталар ёшлик фасли бекайтариқ умр эканлиги, қарилик мавсумининг кўнгил нозикликлари ҳақида мўлроқ сўзлашади. Фарзанд қарови, ўғил-қиз бохабарлиги, келинлар эътибори, қариндош-уруғ сўровлари, қўни-қўшни муомаласидаги жиндек хафсаласизлик кекса кўнгилга озор етказиб қўйишини жим тинглайман. Ҳар бир мавзунинг тўлган саҳифасини қатор ундов белгили сўзлар муҳрлайди. Тинчликка шукр! Нон сероблигига худо муяссар қилиб турибди. Йигитларимиз соғ-омон. Армиямиз мустаҳкам!!!

Чойхоначи Бекмурод бобо билан иккимиз картда ўтирдик.

- Қанақа чой ичасиз? - дея ихчам гавдасига ярашадиган чаққон ҳаракат ила сўради отахон.

- Кўк чой, - дедим.

- Мен сизларни "Бета", "Байже", "Импра" сингари чойлардан ичасизлар, деб ўйлабман.

Кинояни тушундим. Узиб олишни ҳам, чимчиб олишни ҳам қойиллатади отахон тушмагур. Чой дамлаб келинди. Ранги чиқишини бироз кутдик.

- "Обод маҳалла йили" – қарияларни қадрлаш йилининг давомида, шундай эмасми? - Отахон мавзуни ўз тенг-тўшлари манфаатига қаратаётганлиги рост эди.

- Тўғри англабсизлар, - дедим. Сайфулла ака деган одам буғи чиқиб турган чойнак пиёлани кўтариб бизнинг картга келиб ўтирди.

- "Кампирлар сим қоқди"даги кампирлар жавлони ҳали-ҳануз ёдимизда, - дея оҳиста чойини шопира бошлади у. - "Обод маҳалла йили"да биз чолларнинг қайси кўмагимиз кўпроқ асқотади?

- Аввало соғлиқларингизни ҳимоя қилинглар. Сўнг маҳаллалар тозалиги, кўча-куйнинг орасталиги, энг муҳими, ҳар бир инсоннинг кўнгил ободлиги учун бир-икки оғиз далда сўзларингизни аямасанглар етади, - дедим.

- Унда бизнинг маҳаллаларни бемалол ибрат қилиб ёзаверинг,- деди уста Сайфулла. - Ҳеч ҳижил бўладиган жойи йўқ.

- Шу куни чойхонага 20-30 чоғли одам келди. Ҳеч ким чойни қуруқ ичгани йўқ. Дастурхонларда Бухороча лафз ҳолвалар кўрдим. Чойдан қониб, кўнгил дарддошликдан яйрагач, шоҳмот ишқибозлари картга чиқди. Шарти ҳам осонгина, бажарса бўладиган. Ўрнидан туриб бориб бир чойнак иссиқ чой дамлаб келтириб ўртага қўяди, холос.

Ўзим ҳам жўрттага савоб учун икки чойнак дамлаб бериб қайтдим.

Бекмурод бобо эшиккача кузатиб қолди. Келиб туринг, ҳар куни тонгдан кеч соат олтигача эшигимиз очиқ, деди у илтифот билан.

Яхши кайфият билан Лабиҳовуз томон юрдим. Самарқанд дарвозаси маҳалласи чойхонасининг эшик олди пешонасида чироқ ёнди шу пайт. Маҳалла оталари гурунги ҳали яна бирор соатлар давом этиши аниқ. Шом ўтса, яна тонг!

**Дилмурод ЖАББОРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ЯХШИ ХАБАР

## "ФАЁЗТЕПА" ЁДГОРЛИГИ ТИКЛАНМОҚДА

***Пойтахтимиздаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида Сурхондарё вилоятидаги "Фаёзтепа" ёдгорлик мажмуасини таъмирлаш бўйича ЮНЕСКО-Ўзбекистон-Япония қўшма лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш ишчи гуруҳининг йиғилиши ўтказилди.***

Унда Япония вакиллари, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамда Маданият вазирлиги ходимлари, ЮНЕСКО томонидан таклиф қилинган маданий ёдгорликларни сақлаш бўйича мутахассислар иштирок этди.

Мамлакатимизда кўҳна ёдгорликлардан бири Сурхондарёдаги "Фаёзтепа" ёдгорлик мажмуаси ҳисобланади. Археолог олимларнинг маълум қилишларича бу ер қадимда буддавийларнинг ибодатхонаси бўлган. У шу қадар қадимийки, ҳатто Япония каби мамлакатларга будда дини кириб бормасдан олдин ҳам мавжуд бўлган.

Япониялик археологларнинг эътирофича, будда дини шарқ мамлакатларига Буюк Ипак йўли орқали кириб борган. Бунда "Фаёзтепа" ва "Қоратепа" ёдгорлик мажмуаларининг ҳам ўрни катта. Ҳозирда будданинг шарққа ёйилишига ҳисса қўшган қадимги ибодатхоналар деярли йўқолиб бормоқда. Ваҳоланки, боболаримиздан қолган бу тарихий ёдгорликлар халқимизнинг қадимги давр ҳаёти ва маданияти ҳақида маълумот берувчи нодир манба ҳисобланади. Қолаверса, улар юртимизга сайёҳларни жалб этиб даромад келтириши ҳам мумкин. Бундан икки ярим йил олдин "ЮНЕСКО - Ўзбекистон- Япония" қўшма лойиҳаси тайёрланиб, "Фаёзтепа" ёдгорлик мажмуасида таъмирлаш ишлари бошлаб юборилганди.

Хорижлик мутахассисларнинг таъкидлашича, ўтган давр мобайнида ёдгорлик мажмуасининг бурунги ҳолати диққат билан ўрганилди. Ҳозирда уни шу кўринишда сақлаб қолиш, бинони сайёҳлик масканига айлантириш мақсадида лойиҳалар ишлаб чиқилиб, иккинчи босқич ишлари бошлаб юборилди.

Йиғилишда иккинчи босқичда бажарилиши режалаштирилаётган ишлар муҳокама қилинди.

**"Туркистон-пресс"**

# ЎРМОН – ТАБИАТГА НАЖОТ ДЕМАК

***Тошкент Давлат аграр университетида республика ўрмон хўжалиги тизими раҳбарлари, мутахассисларининг семинар-мунозараси бўлиб ўтди.***

Беш кун давом этган семинар-мунозарада, деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантириш омиллари, сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари, Ўзбекистон Республикаси "Ўрмон тўғрисида"ги Қонуни ва унинг республика иқтисодиёти ва экологик муҳитни барқарорлаштиришдаги аҳамияти, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичдаги аҳволи муҳокама этилди. Ўрмон хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, йўл қўйилаётган камчиликлар ва муаммоларнинг ечими ҳақида ҳам сўз борди.

Маълумки, жорий йил Президентимиз ташаббуси билан "Обод маҳалла йили" деб эълон қилинди. Бу борада ишлаб чиқилган дастурнинг амалга оширилиши ва маҳаллалар ободлигини таъминлашда ўрмончилик соҳасининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Маданий ўрмонзорлар барпо қилиш, Оролбўйи ҳудудида ҳимоя ўрмонзорларини яратиш, республикада мевали ва манзарали кўчатларга бўлган талабларни қондириш жуда муҳим.

### АНЖУМАН

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 февралдаги 62-сонли "Саноат теракчилигини ривожлантириш ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп дарахтзорларни барпо этишга оид чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан ҳар йили 400-500 гектар майдонга терак ва бошқа ёғочбоп дарахтлар экилмоқда. Ўрмон хўжаликларида йилига 30 миллион донага яқин мевали, манзарали ва ноёб дарахт ҳамда буталарнинг кўчатлари етиштирилади ва талабгорларга сотилади.

Республика Давлат ўрмон фондининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармасига қарашли ерлар майдони 2003 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра 8 миллион 88 минг 777 гектарни ёки республика ҳудудининг 19 фоизини ташкил этади. Шундан ўрмон билан қопланган майдон 2 миллион 285 минг 254 гектарга тенг. Ҳар йили ўлкамизда 42-49 минг гектар майдонда янги ўрмонлар барпо этилмоқда. Бундан ташқари ўтган йил Оролбўйи денгизи тубида (суви қуриган майдонларда) 17,5 минг гектарда ўрмон мелиорация ишлари бажарилди.

Аграр университетида, шунингдек, қишлоқ хўжалигига оид илмий ишлари, халқаро лойиҳадаги ҳамкорликка оид изланишлари ва бир қатор соҳада олиб борилаётган янгиликларни ўзида акс эттирган кўргазма ҳам ташкил этилди. Хусусан, кўргазмада Президент стипендияси соҳибларининг ҳам илмий ишлари ўрин олган.

**Шавкат ОРТИҚОВ**

# ҲУҚУҚ

## БАНК ТАДБИРКОРНИ АЛДАСА...

***Банк яхши-да. Йиққанингни унга топшириб хотиржам юраверасан. Бировга қарзга берсанг, қайтариб оласанми-йўқми, ҳар қалай банк – ишончли.***

Уч-тепа даҳасидаги "Акбар" фермер хўжалиги раҳбари Акбар Холмуродов шундай ишонч билан пахта ва ғалла ҳосилидан топаётган даромадини юридик шахс сифатида Уч-тепа "Тадбиркорбанк"ка ўтказиб келаётган эди. Аммо банк тадбиркорнинг ишончини оқлай олмади.

Банк маъмурияти ходимлари устамон чиқиб қолишди. Фермернинг пешона тери билан топган пулларини беписандлик, ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш йўли билан унинг розилигисиз ўзгалар манфаати учун ўзлаштириб юборишди. Дастлаб 66800 сўм пулни Жиззах Политехника институтининг талабаси М.Мирҳамидовнинг тўлов контракти учун ҳимоя бўлимига ўтказиб берадилар. Аслида бу бўлимнинг фермерга мутлақо алоқаси йўқ.

Шунингдек, "Акбар" фермер хўжалигининг 1999 йилги пахта ҳосилининг 235425 сўм аванс пулини ҳе йўқ, бе йўқ "Қўшмурод" фермер хўжалигига, яна 43000 сўмини "Ғаллабанк"ка, жами тадбиркорнинг 478624 сўм маблағини асоссиз равишда бошқа ҳисоб рақамларига ўтказиб юборишади.

Бундай уқувсизлик, ишга масъулиятсизлик ва панжа ортидан қараш жазосиз қолгани йўқ. Банк маъмурияти вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорига кўра, асосий қарз, пеня ва давлат божлари билан 1.706.665 сўмни даъвогарга тўлаб берадиган бўлишди.

Албатта, бундан банк ходимлари етарли хулоса чиқариб, эндиликда ўзгалар омонатига хиёнат қилмай, ҳушёр бўлиб ишлайдиган бўлишади.

**Абдулла МАМАТМУСАЕВ,**
**Жиззах вилояти хўжалик суди судьяси.**



**Мўйноқ туманидаги "Учсой" посёлкасида жойлашган Шарқий Бердах газконденсати жамоаси фаолияти диққатга сазовордир. Бу ерда иш кўнгилдагидек ташкил этилган бўлиб, бир кунда 15-16 тонна газ қайта ишланиб, 700000 кубометр газ ажратиб олинмоқда. Бу кўрсаткич эса ишнинг унумли бажарилаётганидан далолатдир.**

**СУРАТДА: Шарқий Бердах газконденсати ходимлари Орол Ортиқов, Машарип Сапаев ва Ҳусан Отажонов галдаги вазифаларни белгилаб олмоқдалар.**

Омонбой МУРОТОВ (ЎзА) олган сурат.

# САВДОДА ТАРТИБ БЎЛАДИМИ?

(Боши 1-бетда)

Маълумки, республикамиз аҳолиси болажон халқ. Айниқса, болалар кийимларини ювиб, тозалашда арзон, сифатли ва белгиланган меъёрларга мос келадиган хўжалик совунига эҳтиёж катта. Республика "Ёғмойтамакисаноат" уюшмаси тизимидаги корхоналарда шундай совун ишлаб чиқарилаётир. Аммо, бу зарурат айрим савдо ташкилотларининг масъуллари назаридан четда қолиб кетаётир. Ўтган йили Қашқадарё вилоятида 1321 тонна, Қорақалпоғистон Республикасида 482 тонна хўжалик совуни фонди олинмаганини қандай баҳолаш мумкин? Ҳукумат қарорининг асл моҳияти ҳам аҳолининг қуйи қатламидаги, хусусан, қишлоқ жойлардаги савдо дўконларида саккиз турдаги товарлар доимо расталарда керакли миқдорда бўлишини таъминлашдан иборат. Мақсад одамларнинг бозорма-бозор чопиб, овора-ю сарсон бўлиб, олибсотарлардан сифати кафолатланмаган истеъмол молларини харид қилиши олдини олиш. Бу ҳақиқат қачон англанади? Вилоятлар матлуботсавдо акциядорлик жамиятларининг энг асосий вазифаси ҳам қишлоқ аҳолисининг эҳтиёжини қондириш экани, наҳотки, жойларда унутилаётир. Бозор иқтисодиёти шароитида бошқа муаммолар етмаганидек, бободеҳқоннинг қўлидаги пули, ихтиёридаги вақтининг қадрига ета олмаётган савдо корхоналари раҳбарлари фаолиятига қандай баҳо бериш мумкин?

Сурхондарё вилояти Бойсун улгуржи чакана савдо акциядорлик бирлашмаси ва Бойсун савдо ишлаб чиқариш корхонасига қарашли дўконлар хўжалик совуни, пахта ёғи ва шакар маҳсулотлари билан таъминланмаган. Навоий, Фарғона, Наманган вилоятларининг бир қатор туманларидаги савдо дўконларида ҳам шу каби қонунбузилишларга йўл қўйилгани ҳақли равишда аҳолининг норозилигига сабаб бўлган.

Айрим ҳолларда вилоят ва туман матлубот савдо акциядорлик жамиятлари мансабдор шахслари ўзларига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармаётганликлари ва ҳукумат томонидан ажратилган саккиз турдаги маҳсулотлар сотилиши устидан назоратни сусайтириб юборганликлари оқибатида аҳолига берилиши лозим бўлган маҳсулотлар етарли даражада таъминланмаган.

Бундан ташқари, савдо корхоналарининг мансабдор ва тегишли жавобгар шахслари аҳоли эҳтиёжи учун ажратилган зарур истеъмол товарларини ўзлаштириш ҳамда мансаб ваколатини суиистеъмол қилган ҳолда уларни талон-торож қилиш каби жиноий ҳаракатлар содир этаётгани ташвишлидир.

Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманидаги "Ҳисор" улгуржи чакана матлубот акциядорлик жамиятига қарашли дўкон мудири А.Бобомуродов 196,4 минг сўмлик 8 турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган. Жиззах вилояти, Зафаробод тумани "Матлуботсавдо" акциядорлик жамиятига қарашли савдо дўкони мудираси ҳам ўз манфаатини бошқаларникидан устун қўйиши оқибатида, нафси "ғолиб" келди. Пахта мавсуми давомида йиғим-теримда қатнашаётган хашарчиларга берилиши лозим бўлган 153 минг 508 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини тарқатмасдан ўзлаштирган. Мудира устидан қўзғатилган жиноят иши яқинда судда кўрилиб, у жазоланди. Зафарободнинг "Лолазор" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган савдо дўкони мудири И.Ибрагимов эса 1 миллион 200 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож этгани учун унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми "а" банди билан жиноий иш қўзғатилди.

Сирдарё вилоятида ҳам шундай жиноятлар содир этилган. Ховос тумани матлуботсавдо акциядорлик жамиятига қарашли дўкон мудири У.Шодиев ҳам ҳалол билан ҳаромнинг фарқига бормагани боис, бошига ташвиш тушди. Ўзгаларнинг 147 минг 761 сўмлик ҳақини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилгани учун судланди.

Боёвутлик матлуботчилар фаолиятидаги қинғирликлар ҳам очилиб қолди. Туман матлуботсавдо акциядорлик жамиятига "Гулистон экстрактёғ" акциядорлик жамиятидан ўтган йилнинг 18 сентябрида 2000 килограмм 1 литрли сиғимдаги идишларга қадоқланган ўсимлик ёғи олиб келиниб, тақсимотга асосан тўлиқ тарқатилиши таъминланмасдан, 480 килограмм ёғни тадбиркорларга нақд пулга сотиб юборилган. Жамият раиси муовини Х.Исаев, дўкон мудирлари М.Рашидова ҳамда Х.Жалиловлар бу қилмишлари учун маъмурий жавобгарликка тортилишди.

Қарши шаҳридаги "Оқ қуёш" фирмасига қарашли савдо дўкони мудири Р.Чориевнинг қилмишлари ҳам фош этилди. У жавобгарлигидаги моддий товар бойликлардан 3 миллион 400 минг сўмлигини камомадга йўл қўйиб ўзлаштирган. Дўкон мудирига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" банди билан қўзғатилган жиноят иши бўйича суд ўз ҳукмини чиқарди. Р.Чориев жавобгарликка тортилди.

Ўтган йили прокуратура органлари томонидан ўтказилган назорат тадбирлари натижаларига кўра, аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Ваколатли идораларга 374 та тақдимнома киритилди. Қонунбузилишларга йўл қўймаслик юзасидан 680 нафар ходим огоҳлантирилди. Айрим мансабдор шахслар ҳуқуқий саводхонлиги етишмай қабул қилган 19 та ҳужжатларга протест берилди. Мансабдор шахслардан 549 нафари интизомий, савдо ходимларидан 837 нафари эса маъмурий жавобгарликка тортилди. Йигирма миллион сўмлик моддий зарар айбдорлардан ихтиёрий ундирилди. Судларга 65 та даъво аризалари киритилди. Қўпол қонунбузилишлар содир этган шахсларга нисбатан 47 та жиноят иши қўзғатилди.

Қонунбузилишлар хусусидаги маълумотлардан шу нарса аёнки, матлуботсавдо тармоқларида қонунлар ва ҳукумат қарорлари талаблари бажарилишини таъминлаш борасидаги тадбирларнинг таъсирчанлиги бир қадар сусайган. Савдода тартиб ўрнатилиши нафақат назорат органларининг, балки "Ўзбекбирлашув" акциядорлик компанияси ва вилоятлардаги мутасадди масъулларининг ҳам энг долзарб вазифаси эканини эслатиб қўймоқчимиз.

**Шерзод ЗУЛФИЕВ,**
**Республика Бош прокуратураси Умумий назорат бошқармаси катта прокурори,**
**адлия кичик маслаҳатчиси.**

